

## «Бу сўзларни ундан ўрганган бўлса керак»



08:09 / 10.02.2020 2742

Жаъфар ибн Сулаймон айтади: «Ҳорун ибн Риобни зиёрат қилгани борсам, ўлим тўшагида ётган экан. Ҳузурида кўп фозил кишилар йиғилиб ўтирганини кўрдим. Бир оз вақт ўтиб, Ҳорунни кўргани Муҳаммад ибн Восиъ ҳам келиб, «Эй биродарим, аҳволингиз қалай?» деб сўради. «Энди сизларнинг биродарингиз у (ўлим). У билан ё дўзахга борилади, ё Аллоҳ афв қилади», деб жавоб берди Ҳорун. Орадан кўп вақт ўтди. Бир куни Муҳаммад ибн Восиъ ҳам вафот этар чоғида шу сўзларни айтганини эшитиб қолдим. Менимча, бу сўзларни Ҳорун ибн Риобдан ўрганган бўлса керак».

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**